O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 9 феврал жума

Сотувда эркин нархда
№ 29 (2591)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

8 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Испания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Луис Креспо де Вега ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон Европанинг йирик давлатларидан бири бўлмиш Испания билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоридир. Зеро, бу икки томон манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Ислом Каримов Испания элчисини шарафли ва масъулиятли вазифага тайинланганини билан табриклади ва Ўзбекистонда бошлаётган фаолиятига муваффақият тилади.

Элчи Ўзбекистон Президентига Испания раҳбариятининг самимий саломини етказишдан мамнуният изҳор этар экан, ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримовга Кипр Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Хараламбос Иоаннидис ишонч ёрлиғи топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Кипр билан дўстона алоқалари мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этар экан, бу муносабатларнинг ривожланиши учун яхши имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Х.Иоаннидиснинг юртимиздаги фаолияти даврида бу имкониятлардан кенг фойдаланилишига ишонч билдирди.

Х.Иоаннидис Ўзбекистонга бундан бир неча йил илгари ҳам ташриф буюргани, бу сафар элчи лавозимида фаолиятини бошлаш учун келганида эса, қисқа даврда амалга оширилган улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлганини айтди. Юртингиздаги сиёсий барқарорлик кипрлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш учун жуда яхши имкониятдир, деди у.

Элчи икки мамлакат манфаатлари йўлида хизмат қилиш имкониятига эга бўлганидан мамнунлигини таъкидлади.

* * *

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Тапио Саареладан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Финляндия ўртасида мустаҳкам иқтисодий-сиёсий муносабатлар ўрнатилган. Айниқса, мамлакатларимиз парламентларининг ўзаро алоқалари жуда яхши ривожланган. Халқаро сиёсатда ҳам томонлар бир-бирини жуда яхши тушунади.

Финляндия элчиси Президентимизнинг самимий табрик ва тилакларига жавобан миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистондаги фаолияти давомида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

* * *

Ислом Каримов Исландиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Эгил Эгилсондан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Исландия юртимиздан анча олисда жойлашганига қарамай, у билан сиёсий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш фойдадан холи эмас. Чунки бу давлатнинг Европада ўз ўрни бор. Шу сабабли халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамда ўзаро муносабатларнинг ривожланиши ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Ислом Каримов элчини масъулиятли ва айни пайтда шарафли лавозим билан қутлар экан, унинг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади.

Ж.Э.Эгилсон Ўзбекистон — Исландия муносабатлари тарихида ўз мамлакатининг юртимиздаги биринчи элчиси эканидан фахр билдириб, ўзаро алоқаларнинг ривожланиши учун барча имкониятлардан фойдаланишини таъкидлади.

(ЎзА).

Олий Мажлисда

## КУРСАНТ ИНТИЗОМЛИ БЎЛМАСА...

***Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида учта масала муҳокама қилинди. Биринчиси, қўмита ўтган 2000 йил ичида қандай ишлади, ўзи тузган режани бажара олдими? Иккинчиси, қўмита жорий йилда қандай ишларни режалаштиряпти? Бу ҳақда қўмита раиси Ахтам Турсунов ахборот берди.***

Айтилишича, қўмита ўтган йил давомида саккизта йўналиш асосида иш олиб борган. Тўртта қонун лойиҳалари яратилиб, сессияга киритилган, умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Бир қанча қонунларнинг жойлардаги ижроси ўрганилган. Қонун лойиҳаларини тайёрлашда давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилган. Ўз ишлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинган. Бундан ташқари қўмита бошқа қўмиталар томонидан тайёрланган лойиҳаларга ўз муносабатини билдирган. Қўмита жорий йилда ҳам янги қонун лойиҳалари борасидаги ишларини давом эттиради. Биринчи ярим йилликда сессия муҳокамасига иккита қонун лойиҳасини киритиш режалаштирилган. Иккинчи ярим йилликда эса битта қонун лойиҳасини тайёрлаш мўлжалланган. Назорат-таҳлил йўналиши бўйича эса қўмита жорий йилда амалдаги тўртта қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганишни режага киритган. Шу жумладан, вилоятларда бир қатор қонунларни, қонун лойиҳаларини тарғиб-ташвиқ, муҳокама қилишга қаратилган семинар ва конференциялар ўтказиш ҳам мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Фарғона ва Хоразм вилояти ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги жанговар тайёргарлик ва ўқув марказларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси ва кадрларни жанговар ҳамда жисмоний тайёрлашнинг аҳволи» йиғилишнинг учинчи масаласи сифатида муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан қўмита раиси ўринбосари Илгизар Собиров ахборот берди. Ишчи гуруҳи томонидан берилган ахборотга кўра, кейинги уч йил давомида Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли ўқув ва жанговар марказини кўплаб тингловчи (курсант) тамомлаган. Хоразм вилоятида эса бу миқдор камроқ. Ўзлаштириш даражаси ҳам унчалик ёмон эмас. Лекин муваффақиятлар билан биргаликда қатор камчиликлар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Таъкидланишича, мавжуд ўқув ва жанговар марказларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида тингловчиларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш мақсадида ўқув режалари ва дастурларини қайта ишлаб чиқиш зарур. Ўқув-моддий база заиф. Компьютерлар ва таълимнинг бошқа техник воситалари, янги автомобиль, қурол намуналари етишмаяпти. Техникалар, жанговар қурол-аслаҳалар ва бошқа алоқа воситалари маънавий жиҳатдан эскирган ва улар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ўқув ва жанговар марказларда ўрнатилган тартиб-интизомни курсантлар томонидан бузиш ҳоллари, афсуски, камаймаяпти. Ўқув йилининг кейинги уч йилида тартиб-интизомни бузган курсантлар сони Фарғона ўқув марказида 23 нафарни ташкил этган. Шулардан 11 нафари интизомсизлиги учун ўқишдан ҳайдалган. Хоразм вилояти бўйича эса бу уч нафарни ташкил этади.

Йиғилишда мазкур ўқув ва жанговар марказлари фаолиятидан ёзиб олинган лавҳалар кўрсатилди, депутатлар ва шу соҳа мутасаддилари мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари хусусида гапирдилар, ўз таклифларини билдирдилар. Йиғилиш ушбу масала борасида тегишли қарор ҳам қабул қилди.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИДА»

***Россиядаги машҳур «Вагриус» нашриёти «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобни босмадан чиқарди. Асар муаллифи ҳуқуқ назарияси бўйича мутахассис, юридик фанлари доктори, профессор Леонид Левитиндир. У Германияда истиқомат қилади.***




Асар муаллифи нафақат ўз ишининг устаси, балки ўзи ёзаётган мамлакатнинг тақдири учун астойдил қайғурадиган инсон ҳамдир. Мана шу муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда ўйлаш мумкинки, мавзунинг долзарблиги ҳамда муаллифнинг чуқур билимга эгалиги Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга қизиқиш билдирадиган Ғарб ўқувчисидан мазкур асар, шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотади, у ҳатто кутилмаган саволларга ҳам барча жавобларни топа олади.

Китобга Россиянинг таниқли сиёсатчиси, академик Александр Яковлев сўзбоши ёзган.

Таъкидлаш жоизки, Леонид Левитин Ўзбекистон ҳақида биринчи маротаба ёзаётгани йўқ. Унинг биринчи китоби мамлакатимиз раҳбарига бағишланган эди. У Л. Левитиннинг «Ислом Каримов янги Ўзбекистон Президенти» номли асаридир. Шундай қилиб, муаллиф яна Ўзбекистон мавзусига қайтди.

Муаллиф ўз олдига қўйган мақсад Ўзбекистондаги вазиятни таҳлил-тадқиқ этиш билан изоҳланади. Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакат диний фундаментализм билан курашда дунёвий тараққиётнинг таянчи бўла оладими? Ўзбекистон минтақадаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан етакчилик даражасига чиқиши имкониятига қўшнилар акс-садоси қандай бўлади? Муаллиф мана шундай ва бошқа саволлар-

(Давоми 2-бетда).

## ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТИЛГАН МАМЛАКАТ

*Сўзбоши ўрнида*

Менинг қўлимда Леонид Левитиннинг "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" деб номланган китоби турибди. Мен китоб муаллифини билимдон олим ва нозиктаъб тадқиқотчи сифатида шахсан яхши биламан. Тан олиб айтаманки, бу китоб мени ҳайратга солди. Уни мутолаа қилар эканман, энг аввало, ўзим учун кутилмаган бир таъна-дашномни ҳис этгандек бўлдим. Чунки бу китоб менинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурим хижолат тортадиган даражада кам эканини, билганларим ҳам воқеа-ҳодисаларни ғира-шира акс эттирадиган юзаки таассуротлардан нарига ўтмаслигини кўрсатиб қўйди. Китобдаги аксарият фактлар, воқеа, манзара ва мулоҳазалар мен учун буткул янгилик бўлди.

Лекин китобни ўқиш жараёнида кўнглимда пайдо бўлган бу таъна-дашном фақат ўзимгагина тегишли эмасди. У Ўрта Осиё халқларини мустамлакага айлантиришни жаҳон инқилобини янада кенгроқ ёйиш, яъни Шарқ томон силжитишнинг бир воситаси деб ҳисоблаган ленинча-сталинча миллий сиёсатга ҳам қаратилган эди. Чунки Тинч океанининг илиқ сувлари ҳақидаги орзулар большевикларнинг "қайнаган фикру хаёли"ни жунбушга келтирган бўлиб, Ўрта Осиё эса уларнинг бу борадаги оламшумул орзу-хаёлларининг бир зарраси эди, холос. Айнан мана шу инқилобий хомхаёллар шундай бир манманлик сиёсатини майдонга чиқардики, у маҳаллий халқларнинг азалий анъаналарини, урф-одатлари ва динини, бутун турмуш тарзини шафқатсиз равишда йўқ қилди, чегараларни ўзбошимчалик билан ўзгартирди ва шу тариқа бу заминга келажакда ҳудудий низоларни юзага келтирадиган, аста-секин мадда олиб борадиган адоват уруғини қадади.

Мазкур китоб ўзининг маърифий аҳамияти ва ўзаро чамбарчас боғланиб кетган тарихий воқеаларга бойлиги, ечимини топиш ғоят қийин бўлган мураккаб муаммоларни ўртага қўйиши билан кишини ҳайратга солади. Мен бу қисқача мулоҳазаларимда айрим нозик масалалар хусусида тўхталиб ўтирмоқчи эмасман, балки уларни муаллифнинг инон-ихтиёрига қолдириб, бошқа баъзи бир масалалар тўғрисидаги ўз фикримни баён этмоқчиман, холос. Бу ўринда мени, биринчи галда, ташвишга солаётган масалалар, айниқса, таъбир жоиз бўлса, эндигина тетапоя бўлиб келаётган озодликнинг вужудига тикандек қадалиб турган айрим муаммолар хусусида гапирмоқчиман. Тарих инжиқликларига келсак, ортимиздан изма-из босиб келаётган глобаллашув даври бу инжиқликларни кўп ҳолларда тарихий тараққиёт йўлининг четига улоқтириб ташлайди.

Мен Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига қандай тайинлашганини яхши эслайман. Бу масалани ҳал этиш жуда қийин кечган эди. Дастлаб унга ким тарафдору, ким қарши эканини билиб олиш мушкул бўлган эди. Дарҳақиқат, Сиёсий бюрода бу масала бўйича якдиллик йўқ эди. Бу вазиятни Ислом Каримовнинг ўзи ҳам тўғри баҳолаган ҳолда хотирлайди. Тан олишим кераки, бу лавозимга тайинлашдан олдин бериладиган айрим маълумот ва ҳужжатлар туфайли менда ҳам бу одамга нисбатан қандайдир шубҳа уйғонган эди. Бироқ, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, айнан шундай ҳужжатлардан бирининг мазмуни менинг барча шубҳа-гумонларимни тарқатиб юборди. Ҳужжатлар орасида ётган бу қоғознинг — у Ўзбекистондан келган хат эдими, москвалик бирон "хайрихоҳ одам"нинг уйдирмаси ёки Давлат Хавфсизлик қўмитасининг маълумотномаси эдими, қаёқдан пайдо бўлгани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Хуллас, у чақувга ўхшаган бир нарса эди. Ҳамманинг жонига теккан ва сийқаси чиққан жазолаш органлари мамлакат ҳаётига тиқиштирган партиявий селекция амалиёти давом этмоқда эди.

Мен Ислом Каримовнинг тайинланишини ёқлаб овоз бердим. Менга унинг вазмин ва камгаплиги, ўзини тута билиши маъқул тушди. Айни пайтда у билан ўртамизда алоҳида бир яқинлик пайдо бўлди, деб айтолмайман. Ўша пайтлари юқори партноменклатура мени партияни социал-демократия томон оғдираётган, иттифоқ давлатини эса парчаланиш томон бошлаётган одам сифатида тинимсиз танқид қилар, бундан асабларим ниҳоятда толиққан эди. Мен иттифоқдош республикаларнинг юқори мансабдор шахслари билан муносабатда ўзим учун гўё қандайдир руҳий девор қуриб олгандек эдим. Менда, иттифоқдош республикалар компартияларининг намояндалари Москвага муносабат масаласида ҳали ҳам мутаассибларча садоқат кўрсатиб келмоқда, улар иттифоқнинг бирлиги ҳамда ўзлари такрорлашдан чарчамайдиган "абадий дўстлик" учун охиригача курашади, деган ишонч пайдо бўлган эди.

Албатта, мен бу борада адашган эканман. Аслида буларнинг барчаси республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун туғилган илк имкониятлардан фойдаланиши борасидаги ўзига хос бир восита эди. Бу ўринда кимнидир иккиюзламачиликда айблаш инсофдан эмас. Ўша пайтларда ҳаммамиз, барча номенклатура ходимлари тилда бир нарсани гапириб, дилда эса бошқа нарса ҳақида ўйлар эдик.

Ўзбекистон ҳали Совет Иттифоқи таркибида бўлган пайтдаёқ Ислом Каримовнинг ўзини Республика Президенти деб эълон қилгани сиёсий бюродагиларнинг кўпчилигини хавотирга солиб қўйган эди.

Эсимда, Горбачёв мендан Каримовнинг бундай қадамига нисбатан муносабатимни сўра-

(Давоми 2-бетда).



## Эҳтиром эъзоздан бошланади

Навоийни англаш ўзликни англаш сари ташланган қадамдир. Юртимизда улуғ шоир овози, нафаси етиб бормаган бирор гўша топилмаса керак. Унинг китоби ҳар биримизнинг ёстиғимиз тагида туради. Чунки даҳо қалбининг туғёнларидан ҳар биримиз ўзимиз ахтарган, ўзимиз талпинган ўлмас маъноларни топамиз.

Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам айни кунларда шоир руҳи кезиб юрибди.

Янгиер қурилиш-иқтисод коллежи, вилоят шифохонаси, туман марказларида бўлиб ўтган Навоийхонлик кечаларида ҳам минглаб юртдошларимиз дили шеърият нуридан янада мунаввар тортди.

Энг катта йиғин F. Fулом номидаги Гулистон Давлат университетида бўлиб ўтди. Бу ерда ҳозир бўлганлар шоир ғазаллари, рубоийларидан, «Ўзбекнаво» ва «Ўзбекрақс» вилоят бўлимлари санъаткорларининг чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

— Бобомизнинг ҳаёти, унинг пурҳикмат шеърияти ҳар бир қалбни комиллик соҳилларига етаклаши билан ҳам ўта қадрлидир, — дейди Сирдарё вилояти ҳокими Алишер Исроилов. — бу ўлмас шеърият билан ошнолик ҳар биримиз учун умр бўйи давом этади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раисаси Ҳаётхон Ортиқбоеванинг таъкидлашича, ижодкорлар вилоят маданият бошқармаси, маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда йил давомида «Алишер Навоий ижодининг жаҳон маданияти ривожида тутган ўрни» мавзуида ўнлаб учрашувлар, шеърият кечалари ўтказишни режалаштириб қўйишган.

Ҳа, кишиларни эзгуликка, одамийликка, покликка ундаган шеъриятнинг умри фақат боқийликка дахлдордир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Анжуман

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Кеча Тошкентда «Ҳамширалик иши мутахассисларининг бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишдаги ўрни ва 2010 йилларга тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва режалаш стратегиясини ишлаб чиқишда Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини бошлади. Унда Марказий Осиё давлатлари ва АҚШдан келган экспертлар иштирок этдилар.

Маълумки, мамлакатимизда аҳолига тез ва малакали хизмат кўрсатиш мақсадида тез тиббий хизмат бўлимлари ташкил этилган. Ўтган вақт мобайнида ўзбекистонлик ҳамширалар Япония, Швеция, Финляндиядаги нуфузли анжуманларда иштирок этди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бўлими, ЮСАИД, Япониянинг ҳамширалар ассоциацияси билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ, бир қанча тиббиёт коллежлари энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

— Марказий Осиёда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар барқарор бўлиши учун уни тиббиёт ҳамширалари ва шифокорларни тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар билан бир пайтда олиб бориш керак, — деди АҚШнинг Небраск шаҳридаги Тиббиёт маркази университетининг ҳамширалик ишлари бўйича профессори Шила Райн. — Биз тиббий хизматнинг янги йўналишини тавсия қилар эканмиз, айнан шу тизимда ишлай оладиган ва уни қўллаб-қувватлайдиган мутахассисларни ҳам тайёрлаш лозим.

Конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад — Марказий Осиё давлатларида ҳамшираларни тайёрлаш, улар билан тажриба алмашиш, бирламчи тиббиёт бўғинларида ҳамширалар хизматини янада такомиллаштиришдан иборат.

Конференция давом этаяпти.

**Дилбар ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ватан ягонадир, Ватан биттадир

## ЕТАКЧИЛАР

**Уларни ким эзгу мақсад сари йўналтиради? Таъбир жоиз бўлса, етакчини ким етаклайди?**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳи йиғилишида сўзлаган нутқида Президентимиз табиий етакчилар ҳақида тўхталдилар. Ва табиатан етакчи бўлиб туғиладиган бундай болаларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг қайнаб турган куч-ғайратини соғлом ўзанга қаратишимиз, жамоатчилик орасида танитиб, фаолиятига расмий тус беришимиз, интилишларини ижобий томонга буриб юборишимиз керак, дедилар.

Бугун янги тузилаётган ташкилотнинг ёшларни жипслаштира олиши лозимлиги ҳақида кўп гапирилаяпти. Турфа фикрлар айтилаётир. Бу жараёнда ёшларнинг ўзи фаол қатнашаётганлиги, айниқса қувонарли. Минбар сўраётган бу ёшлар биз айтаётган етакчиликка айни даъвогарлар ҳам саналишади. У онгли ёки стихияли равишдалиги иккинчи масала. Муҳими, интилиш бўй кўрсатмоқда.

Ҳўш, табиий етакчилар қаерда, таъбир жоиз бўлса, қандай вазиятда пайдо бўлади? Ёшлар табиий равишда тўпланадиган, йиғиладиган жойда, албатта. Спорт тўгараклари, машғулотлари ўтказиладиган масканлар шундай жойлар сирасига киради. Чиндан ҳам бу ерларда табиий етакчилар бор. Уларга қолганлар эргашади. Гап уларни тўғри йўналтира олишда. Бундай йўлланма нималарда кўринади, деган савол туғилади.

Масалан, туман ва қишлоқларда, шаҳарлардаги айрим мавзеларда дейсизми, қаровсиз ётган спорт майдончаларига дуч келасиз. Мутасаддиларга юзлансангиз маблағ йўқлигини айтишади. Улар баҳона излашдан кўра, етакчилар кучидан фойдалана билсалар, мавжуд муаммони бир қадар ҳал қилиш мумкин. Ёнига тенгдошларини тўплаган етакчи ҳашар йўли билан ўша спорт майдончасини обод қила олади. Қўлбола спорт ускуналари (турник, брус, тош кўтариш дегандай)ни ясашади. Керак бўлса шу ерда истиқомат қиладиган — хорижий маркали машиналар миниб юрадиган ўзига тўқ акаларини, тадбиркорларни хайрли ишга ҳомийлик қилишга кўндиради ҳам.

Етакчиларнинг интилишларини ижобий томонга буришнинг яна бир муҳим жиҳати борки, уни ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди. Қадимдан ўзбек халқининг минглаб ўйинлари бўлганлигини биламиз. Уларнинг айримлари кўп жойларда сақланиб қолган. Етакчилар тўпланиб сигарета чекаётган ёхуд жангари, ҳаёсиз фильмлар кўраётган ёшларни шундай ўйинларга жалб қила олиши, пировардида, уларда ирода ва ғурурни тарбиялашда, ватанпарварлик, ўтмиш меросга ҳурмат туйғуларини шакллантиришда беминнат кўмакчи бўлиши, шубҳасиз.

Халқимиз бошидан кечирган "оқ" мустамлакачилик даври ҳам, "қизил"и ҳам иложи борича миллий қадриятларимиздан йироқлаштиришга, маънавий илдизларимиздан маҳрум этишга ҳаракат қилиб келди. Хусусан, йигитларни абжир, кучли, чаққон, мард, энг муҳими, мағрур қилиб тарбиялайдиган миллий спорт турларидан бири кўпкари (улоқ)нинг турли йўллар билан таъқиб остига олингани, ҳатто, асл зотли улоқчи отларнинг гўштга топширилиб, қириб юборилганлиги пухта режалаштирилган "тадбир"дан бошқа ҳеч нарса эмасди. Бунинг боиси, аввало, ёшларни ота-боболари асрлар мобайнида шуғулланиб келган жисмоний ривожланиш воситаларидан маҳрум қилиш бўлса, иккинчиси ва муҳимроғи, уларда ғурурни сўндириш, ўз оти ("От — йигитнинг қаноти" деган нақлни эсланг), ўз юрти, унинг гўзал анъаналари билан фахрланиш ҳиссини йўқотиш эди.

Мулоҳазаларимизни жиндек таҳлилдан ўтказган кишида табиий савол туғилиши мумкин: етакчиларни ким етаклайди, яъниким, фаолиятига расмий тус беради, эзгу мақсад сари йўналтиради? Ўз соҳамиз ва юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб жавоб берадиган бўлсак, албатта, жойлардаги спорт қўмиталари раислари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт йўриқчилари. Ҳозирда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда ана шундай талабга жавоб берадиган ёш кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга сидқидилдан киришилган. Бу жараён айрим жойларда ҳозирнинг ўзида самара бера бошлагани янада шижоат билан ишлашга ундаётир.

Шу ўринда яна бир таклиф. Бугунга келиб "физкультура" сўзининг ўзбекча муқобили сифатида қабул қилинган «жисмоний тарбия» атамаси матбуотда ҳам, расмий ҳужжатларда ҳам қўлланилаяпти. Бу ислоҳ эса соҳада ва илмий тадқиқот ишларида турли чалкашликларни вужудга келтирмоқда. Бу билан "физкультура"ни шундайлигича қўллайвериш керак демоқчимасман. Аксинча, унинг ўрнини топиб ишлатиш тарафдориман.

Жисмоний маданият жамият умуммаданиятининг, жисмоний тарбия эса умумий тарбиянинг узвий бир қисми. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия инсон соғлиғини мустаҳкамлаш, организмни ҳар томонлама чиниқтиришга қаратилган ижтимоий-педагогик жараёндир.

Жаҳон маданияти, тараққиётнинг ҳозирги босқичи инсоний тафаккурнинг юксак парвози, фикр инқилоби билан чамбарчас боғланиб кетган. "Соғ танда — соғ ақл", дейди доно халқимиз. Ақлий камолот сари интилган жамият жисмоний камолот орқали ўз мақсадига эришади. Кишининг жисмоний ва маънавий-руҳий асослари уйғун равишда ривожлангандагина инсоний barкамоллик вужудга келади.

Буларнинг ҳаммаси жамият ҳаётида жисмоний маданиятнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Бинобарин, ҳар бир миллатнинг маданийлик даражаси, жумладан, унинг соғломлиги, жисмоний камолоти даражаси билан белгиланади. Маънавий, моддий ва жисмоний маданияти бир-бирига мутаносиб равишда тараққий топган халқларни, миллатларни юксак маданият соҳиблари, деб аташ мумкин.

Шарқда, хусусан, Мовароуннаҳрда азалдан жисмоний маданият ҳам, бадантарбия (жисмоний тарбия) ҳам ривожланиб келган. Мақоламиз авволида айтганимиздек, XX асрнинг иккинчи ярмида маълум тўсиқлар сабаб тараққиётдан оғиш ҳоллари юз берган. Эндиликда истиқлол берган имкон боис оққан дарёни қайта ўзанига солиш вақти келди ва шундай қилинмоқда. Бу борада ҳам сўз очганимиз — етакчиларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Чунки жисмоний маданиятни жамоа бўлиб яна юксак чўққига олиб чиқиш мумкин. Жамоа ишида эса, айниқса, ёшлар билан ишлашда етакчиларнинг тутган ўрни беқиёс. Ижтимоий ҳаётнинг истаган бўғинидан, тармоғидан бунга кўплаб далиллар келтириш мумкин.

**Комилжон ЯРАШЕВ,**
**педагогика фанлари номзоди, доцент.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

га республиканинг бугунги куни ва ўтмишига мурожаат қилган ҳолда аниқ-равшан жавоблар беради.

Муаллиф ўз асарининг биринчи сатрлари биланоқ ўқувчилар эътиборини республикада кечаётган ўзгаришларга жалб қилади. У Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов билан бўлган кўплаб учрашув ҳамда мулоқотлари ҳикоя қилинган бобда бу жиҳат ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Муаллиф ўзининг шахсий кузатишлари ва давлатнинг биринчи шахси билан кечган кўп йиллик мулоқотларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Президентининг нуқтаи назарлари ҳамда унинг шахс сифатидаги қиёфасини рўй-рост очиб беришга муваффақ бўлган. Асарда Ислом Каримов ўқувчилар кўз олдида нафақат муқобили йўқ етакчи, қатъиятли раҳбар, балки иродали, чуқур билимга эга, сотилмайдиган ва шу билан бирга камтарин инсон, «фитналар ва муваффақиятга элтувчи айланма йўллар ҳамиша номақбул бўлган» арбоб сифатида намоён бўлади.

«Мен Каримовни асл сиёсий йўлбошчи дея атар эдим», дея хулосалайди Левитин ўз фикрини.

Ушбу нашрнинг алоҳида бир қисми ўтган йил январ ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловларига бағишланади. Ўшанда Леонид Левитин халқаро кузатувчи сифатида бу жараёнга шахсан гувоҳ бўлган эди.

Бу мавзуда сўз юритиб, «Менда ушбу сайловларнинг эркин ва ҳаққоний ўтганлигини тасдиқловчи барча асослар бор. Хорижий кузатувчиларнинг биортаси ҳам бундан ўзга фикрни билдиргани йўқ», — дейди Левитин.

Республикамизнинг яқин ўтмиши ҳақидаги бўлимлар китобдаги марказий ўринни эгаллайди. Китоб бўлимларидан бири ҳам шундай номланади: «Ўз тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқисиз». Табиийки, ўқувчиларга қайси давр ҳақида гап кетаётганлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Китобдаги асосий мавзулардан бири конституциявий давлатнинг барпо этилиши ва унинг истиқболларига бағишланади. Муаллифнинг айнан мана шу масалага қизиқиши бежиз эмас. Бу ҳар қандай собиқ совет мамлакатида замонавий Конституция яратиш — дастлабки модернизация натижалари, келажакдаги сиёсий янгиланишларнинг асоси эканлигини тушуниш билан боғлиқдир. Чунки Конституция жамиятдаги барча нормаларнинг асосий негизидир.

Леонид Левитиннинг китоби енгил ўқилади. У жаҳонда ўхшаши йўқ мамлакатимиз ҳамда Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти учун имкониятдаги барча ишларни амалга оширувчи унинг Президенти ҳақида батафсил маълумот беради. Китобни ўқиган хорижлик ўқувчи ҳам, шу заминда туғилиб вояга етган киши ҳам унинг мазмунини теран англаши, тушуниши учун у равон тилда ёзилган.

**«Жаҳон» АА.**

# ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТИЛГАН МАМЛАКАТ

## *Сўзбоши ўрнида*

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган ва у янада жиддий оқибатларга олиб келмасмикан, деб ташвиш билдирган эди. Мен бунинг ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, охир-оқибатда бу бир шакл-да, деб жавоб берган эдим. Агар масаланинг мазмунига келсак, тезроқ миллий масала бўйича сиёсатни аниқлаб олиш ва иттифоқ ҳудудида конфедератив тузумни имкон қадар тезроқ шакллантириш керак, деган фикрни билдирдим.

Боя айтганимдек, менинг Ўзбекистон Президенти билан ўзаро муносабатим, бошқа кўпчилик собиқ иттифоқ республикалари раҳбарлари билан бўлганидек, яхши ҳам, ёмон ҳам эмасди. Бир куни Президентлар Кенгашининг ажабтовур бир тарзда ўтган, бир тўхтамга келиб бўлмаган йиғилишидан сўнг Ислом Каримов менинг ёнимга келди-да: “Александр Николаевич, тўғрисини айтсам, мен сизнинг қарашларингиз моҳиятини яхши тасаввур қилмаган эканман, бу нарсани кечроқ тушунганимдан афсусланаман”, деди.

Бундай эътироф мени беҳад қувонтирди, қалбимда бу инсонга нисбатан илиқ туйғулар уйғотди, албатта. Биз яна бирмунча вақт турли масалалар тўғрисида гаплашдик, лекин уларнинг мазмуни ҳозир эсимда йўқ. Суҳбат сўнгида Ислом Каримов мени Ўзбекистонга таклиф этди. Лекин баъзи бир сабабларга кўра, кейинчалик мен Ўзбекистон билан бевосита қизиқа олмадим.

Албатта, мен Ўрта Осиё муаммоларига доир Россия матбуоти саҳифаларида чоп этилган турли чўпчакнамо гапларни кўп ўқиганман ва эшитганман. Лекин улар мени озгина бўлса-да, ишонтирган, деб айта олмайман. Чунки бундай чиқишлар аксарият масалани бирёқлама акс эттирар, кўп ҳолларда улардан эскича империяпарастлик иллатлари, калондимоғлик аломатлари яққол сезилиб турарди. Чунки Россиядаги кўпчилик танқидчилар Ўрта Осиё ва унда рўй бераётган воқеаларга қандайдир тепадан қарайди, уларга беписандлик билан муносабат билдиради. Уларнинг муайян далилларни ҳамиша Европа анъаналари, Россиянинг юқори табақа зиёлиларига хос тафаккур мезонлари билан ўлчаши сезилиб туради. Айниқса, бу ҳол инсон ҳуқуқлари масаласига тааллуқли бўлиб, уларнинг фикрича, бу масалада халқнинг минг йиллик анъаналарини, кўп асрлик тарихини, ўзига хос табиати ва феъл-атворини, урф-одатлари, диний эътиқоди ва бошқа хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмиш. Аммо ҳаётда бундай бўлмайди. Инсон ҳуқуқларидек нозик масалага ҳамма жойда бир хил ёндашиш, уни бир қолипга солишга уриниш асло мумкин эмас. Ҳар бир дарднинг ўз davоси бор. Шунинг учун юқоридагидек фикр юритиш мени ҳамиша ҳушёр торттириб келади. Бироқ, афсуски, менинг Ўрта Осиё республикаларига бориш ва бу ерда рўй бераётган воқеаларни ўз кўзим билан кўришга бўлган доимий интилишим амалга ошмади. Такроран айтаман, таассуфки, шундай бўлди.

Ислом Каримов ўтмишни келажак билан боғлаш асосида мамлакатни модернизация қилиш — замонавий тарзда тараққий эттириш йўлини танлади. Бу мақсадга хизмат қиладиган тизим ва тармоқлар фаолиятининг самарадорлиги, аввало, муайян давлатнинг мавжуд шарт-шароити, муайян халқнинг ворисийлик хусусиятларига таянадиган, айни пайтда келажакка йўналтирилган ижтимоий-маданий анъаналарига боғлиқ эканини у чуқур англади.

“Фақат билимли, маърифатли жамиятгина, — деб ёзади Президент, — демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”. Бу ажойиб фикр муаллифнинг масала моҳиятини нечоғли теран англашидан далолат беради.

Ушбу сўзлар беихтиёр менинг Россиямни ҳам ёдга солади. Бу ерда бугун демократик тараққиётнинг аста-секин ортга тисарилиш аломатлари кўзга ташланаётганини пайқаш қийин эмас. Бу ҳол айнан аҳолининг билимсиз ва жоҳил қисми зуғуми оқибатида рўй бермоқда. Бугунги кўп амалдорлар эса аҳолининг ана шу тоифаси ортига усталик билан бекиниб олганини кўриш мумкин.

Менинг фикримча, китоб муаллифининг Ўзбекистондаги анъанавий ва замонавий маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги фикрлари катта эътиборга молик. Бу жуда қадимий масала. У ҳақда Россияда ҳам инқилобгача бўлган замонлардан тортиб, сталинча-фашистик давлат тузуми даврида ҳам, бугун ҳам тўхтовсиз баҳс-мунозара юритилади.

Тарихда доим бўлганидек, мустаҳкам илдиз отган номенклатура ҳокимияти одамларнинг бюрократия ва давлат аралашувисиз ўз ишларини ўзлари бошқариши билан муроса қила олмайди. Аслида, одамлар ўзларини ўзлари бошқаришга эришгандагина инсон давлат машинасининг жонсиз бир мурватига эмас, балки кишилик жамияти тизимидаги асосий омилга айланади. Бу борада давлат аралашуви қанча кам бўлса, инсон имкониятлари шунча кўпаяди.

Шу маънода, мен китоб муаллифининг Ўзбекистондаги бюрократиянинг бугунги аҳволи, ўз мағлубиятини тан олмаётган, ҳаловатини йўқотиб, ҳокимиятни қайтариб олиш илинжида ўзини турли сиёсий қиёфага солиб кўраётган собиқ шўро номенклатурасининг ҳар ёққа қараб шох ташлаши ҳақидаги мулоҳазаларини диққат билан ўқидим.

Муаллиф собиқ номенклатурага мансуб турли гуруҳларнинг қарашлари ва хатти-ҳаракатларини чуқур таҳлил этади. Мени ҳаммасидан ҳам кўпроқ шу мавзу безовта қилади. Негаки, мен Россиядаги фуқаролик жамияти тараққиётига ғов бўладиган асосий хавфни совет давридан мерос қолган номенклатура, жумладан, “демократик” номенклатура қиёфасида кўраман. Чунки бу тоифа, ҳокимиятдаги мансаб курсисини эгаллаши билан, шу зумда мухолифат ҳақида ҳам, “ўз қарашлари” ҳақида ҳам, қўйинг-чи, дунёдаги ҳамма нарса ҳақида ўйлашни унутиб қўяди.

КПССнинг инқирозидан сўнг номенклатура дарҳол янги шароитга мослашиб олди, эски тартибларни оз-оздан бўлса-да, қайтариб олиш илинжида бугун ҳам бирлашган куч сифатида майдонга чиқмоқда. Албатта, бу тоифа хомхаёл большевиклар изидан бормоқчи эмас, у бор-йўғи ўзи учун қулай ҳаёт яратиб олмоқчи, холос, бошқа ҳеч нарсани ўйлаётгани йўқ. Бу янги бюрократия эскисидан кўра заиф эмас, аксинча, у назоратсиз қолгани сабабли янада мустаҳкамланиб олган. Бугунги давлат аппарати ўзагини собиқ партия-давлат номенклатураси ташкил этади. Унинг таркибида ўз хўжайинларининг ўйин қоидаларини бажонидил қабул қилиб олган ўрта қатламдаги озгина профессионаллар ҳам бор.

Мен китоб муаллифининг номенклатура томонидан ҳокимиятни хусусийлаштириб олиш айнан ана шу асосда амалга оширилгани ҳақидаги фикрларига тўла қўшиламан. Бу мавзу ҳақиқатан ҳам мураккабдир. Ва у, биринчи галда, халқаро ҳаёт шарт-шароитларининг ўзгаргани учун ҳам мураккабдир. Глобаллашув даври бошланмоқда ва бундан ҳеч қайга қочиб қутулиб бўлмайди. Чунки ҳеч қандай “темир пардалар”, халқаро ахборот тармоқларини узиб қўйиш ва бошқа шунга ўхшаш чора-тадбирлар энди иш бермайди. Шу маънода, “номенклатура салтанати” ўз ҳокимиятини абадий қўлдан бой берди.

Лекин унинг кучи шундаки, у ҳайрон қоларли даражада тез турланади ва янги-янги қиёфаларда намоён бўлади. Бугунги кунда эски номенклатурачилар КПССнинг селекцион тузилмасидан халос бўлгач, тезлик билан клиентизмнинг мустаҳкам тизимини барпо этишга киришди. Бу тизимда кичик амалдор катта амалдорга, у эса ўзидан каттароғига боғлиқ бўлади ва шу тариқа иерархия, қуйидан юқоригача сўзсиз бўйсуниб борувчи мансаблар тизими вужудга келади. Бундай иерархик муносабатлар пулга ва пораҳўрликка асосланади. Коррупция ҳокимиятнинг устунига айланади.

Клиентизм тизими ҳокимиятни хусусийлаштириб олиб, давлат хизматини жамоатчилик манфаатларига қаратилган вазифалардан маҳрум қилиб қўяди ва уни мўмай даромад келтирадиган манбага айлантиради. Шу тариқа демократия барҳам топади, амалдорлар диктатураси ўрнатилади. Қамоқхона ва лагерлар ўрнини сафсатабозлик ва пул эгаллайди.

Китоб муаллифининг Ўзбекистондаги миллий муаммолар билан боғлиқ қарашлари ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистон Президентининг баъзан қатъият ва жасорат талаб этадиган, кўпинча оқимга, жамиятдаги ҳукмрон кайфиятларга қарши боришга тўғри келадиган ўта чигал масалаларнинг ечимини қандай топаётгани айниқса эътиборга моликдир.

Мен бу ўринда қўшни давлатлар билан муносабатлар масаласига тўхталмоқчи эмасман. Бу масалада кўр-кўрона қалам суриш ҳеч қандай фойда келтирмайди. Фақат давлат тилидан бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли билан боғлиқ масала қандай ҳал этилаётганига эътиборни қаратмоқчиман. Менинг билишимча, Ўзбекистон бундай одамларга, хусусан рус тилида сўзлашувчи аҳолига бўлган муносабатни замонавий маданият талаблари даражасида ҳал этган, деб таърифлаш мумкин бўлган собиқ шўро ҳудудидаги саноқли республикалардан биридир.

Ислом Каримов соғлом фикрли инсон сифатида миллий масалалардаги барча “ўйин”лар қон тўкилишига олиб келишини, кўп йиллар давомида нафрат уруғини сепишини жуда чуқур тушуниб етди. Бошқа миллат вакилларига менсимасдан қараш, аввало, ўз халқини, туб халқни қаттиқ камситади. Бугун дунёда тажовузкор миллатчилик жазаваси авж олган бир шароитда миллатлараро муносабатлар масаласига бундай ёндашиш осон эмас, албатта.

Миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ва антисемитизм мен учун ҳамиша инсониятга катта хавф туғдирувчи иллат ҳисобланган. Уларнинг барчаси урушлар, қон тўкишлар ва нафратга сабаб бўлади, холос. Уларнинг барчаси доҳийлар ва ҳукмрон гуруҳлар манфаатларига хизмат қилади, лекин биронтаси ҳам аслида бўлиб оладиган ҳеч нарсаси бўлмаган халққа заррача фойда келтирмайди.

Мен 1972 йилда “Аксилтарихийликка қарши” деб номланган мақоламни чоп эттирган эдим. Унда ҳар қандай шаклдаги миллатчиликнинг вайронкор таҳдиди ҳақида гап борар эди.

Мақола босилиб чиқиши билан Москванинг шовинистик зиёлилар доирасидагина эмас, балки Киев, Тошкент, Боку ва бошқа шаҳарлардаги ёзувчилар муҳитида ҳам менинг фикрларимга қарши қаҳр-ғазабга тўлган кучли танқид бўрони қўзғолган эди.

Ўшанда “байналмилал ёзувчилар” мени “катта оға”ни ранжитишда айблашган, уларнинг шундай мазмундаги хатлари ёғилиб кетган эди. Кўпгина “катта оға” вакиллари ўзларининг империяпарастлик қарашларидан барибир воз кечолмади, собиқ республикалардаги “кичик ука”лар эса бир думалаб “миллий демократ”ларга айланиб олди. Уларнинг аксилкоммунистик қарашлари билан ишим йўқ, лекин аксилрус кайфиятларига берилиб кетгани мени ташвишлантиради.

Айниқса, кейинги ҳолат кишини ўйлантириб қўяди. Агар бундай туйғулар чин кўнгилдан чиқаётган бўлса, самимий бўлса, бу бошқа гап. Бундай вазиятда мулоқот талаб этилади. Бироқ, улар асл инсоний туйғулар билан ўйнашиб, унинг ҳисобидан фойда топиш, чайқовчилик қилишга қаратилган, баъзан тушунтириш ҳам мушкул бўлган ўч олиш туйғуси остида амалга оширилаётган бўлса, унда нима қилиш керак? Бундай вазиятда ахлоқий тушунчалар, инсонпарварлик, адолат ҳақида гапиришга ҳожат борми ўзи?

Мен бу гапларни баъзида одамга алам қиладиган таъналар рус кишиси бўлганим учун менинг ҳамиятимга тегишини ўйлаб гапираётганим йўқ. Йўқ, бундай таъналар менинг Ўзбекистон халқи ўзининг озод юртида озод яшаши керак, деган эътиқодимни ўзгартиролмайди. Гап бошқа ёқда. Мени собиқ иттифоқ республикаларидаги илғор зиёлиларнинг шароитга қараб тез ўзгарадиган собиқ амалдорлар билан бирлашиб, ҳокимиятга қарши мухолифатнинг таянчига айлангани кўпроқ ташвишга солади. Уларни бирлаштирган ғоялардан бири, стратегик моҳиятига кўра аксилмиллий бўлган, жамиятга катта зарар етказадиган аксилрус кайфиятидаги йўналишдир.

Китоб муаллифи яна бир ғайритабиий зиддиятга эътиборни қаратади. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ҳаётининг бирон-бир жиҳатини соф расмиятчилик нуқтаи назаридан кўздан кечирадиган бўлсак, шахс эркинликлари, мухолифатнинг ўрни, сиёсий партияларнинг аҳволи, уларнинг давлатга ва мамлакат раҳбариятига бўлган муносабати хусусида бирмунча мураккаб ва ҳокимият фойдасига ўтмайдиган хулосалар чиқариш мумкин. Буларнинг барчаси бор гап. Айни пайтда чиндан ҳам бор гапмикан?

Афтидан, бундай хулосаларга келишда собиқ иттифоқ ҳудудидаги янги давлатлар эндигина шаклланаётгани эътибордан соқит қилинмоқда, қолаверса, эркинлик ва демократияга ўтиш даври баъзан эски, қотиб қолган тушунчалар, феодал тартиблар асорати остида кечмоқда.

Айтайлик, Ўзбекистон тараққиётидаги социалистик давр халқнинг моддий ҳаётига нимадир қўшган бўлса бордир, лекин бу инсоний муносабатларнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишини мутлақо англатмайди. Чунки собиқ иттифоқда социалистик тузум амал қилган эмас, балки лагерлар, қатағонлар, сургун ва қамоқхоналардан иборат бўлган давлат феодализми ҳукм сурган эди. Бу ҳолат фақат Ўрта Осиёга тегишли бўлмасдан, бутун Россияга ҳам тааллуқлидир. Шу боис, ҳали шаклланиб улгурмаган давлатдаги муайян воқеаларни Европа мезонлари билан баҳолаш — бу бориб турган хато, сиёсий чайқовчиликдан бошқа нарса эмас.

Ўрта Осиёдаги собиқ иттифоқдош республикалар раҳбарлари ҳақида гап кетганда, кўпинча уларга шундай эътироз билдирилади: яъни, улар халқнинг сиёсий маданияти ва умуман мамлакат тараққиётида мухолифатнинг ўрнини тушунмайди, деган фикрларни эшитиш мумкин. Бунда, албатта, ривожланиш омилларидан бири сифатида янги-янги ғояларга эга бўлган, заҳирада куч тўплаб турадиган ҳақиқий, амалий мухолифат назарда тутилади. Мен, масалан, шуни яхши тушунаманки, маърифий, демократик мухолифат бўлмаган жойда демократия аввалига айнийди, кейин эса ҳалок бўлади.

Шундай бўлиши турган гап. Бу гап собиқ иттифоқ ҳудудида демократик ўзгаришлар ташаббускори бўлишга даъвогарлик қилаётган Россияга ҳам тегишлидир. Тўғри, Россия парламенти баъзида кескин қарама-қарши фикрларни ёқлаб чиқадиган партиялардан иборат. Бироқ, шуни очиқ тан олиб айтиш кераккки, принципиал масалалар нуқтаи назаридан қараганда, мухолифат демократик жараёнга етарли даражада ижобий таъсир кўрсатаётгани йўқ, коммунистик фракция эса очиқдан-очиқ салбий роль ўйнамоқда. Вазиятни шу жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак, Ўзбекистон етакчиси демократик ҳаёт асосларининг имкониятлари ва ривожланиш йўлларини бошқа кўпгина иттифоқдош республикаларнинг раҳбарларидан кўра яхшироқ тушунди. У, айтайлик, Ельциндан фарқли ўлароқ, коммунистик партия фаолияти учун кенг йўл очиб бермади. Чунки, Ўзбекистон раҳбари бу партия ўз моҳият эътиборига кўра бирон-бир фойдали ишни амалга оширишга қодир эмаслигини, у тарихий маънода инқирозга юз тутганини, бундан кейинги тараққиёт учун фақат тўғаноқ бўлиши муқаррар эканини кўра билди.

Биз бугун Россияда мамлакат ривожига умумий тарзда жиддий зарар етказаётган, ҳали-бери охири кўринмайдиган ғавғолар, даҳанаки жанжаллар, сохта сиёсий жангларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай низо ва можаролар негизида коммунизм мафкураси, “доимо кечаги кун”да яшайдиганлар амалиёти, большевизм тажрибаси пинҳон ётибди. Такрор айтаман, бу борада ҳам Ислом Каримов айрим собиқ иттифоқ давлатлари раҳбарларига қараганда анча узоқни кўзлаб иш тутди.

Ислом Каримовнинг большевизмни экстремистик оқим сифатида тушуниши, ўйлайманки, унинг ислом ақидапарастлигига бўлган муносабатини ҳам белгилаб берди. Ислом ақидапарастлиги мусулмон динини ниқоб қилиб олган экстремистик оқим бўлиб, исломга эътиқод қилувчи мамлакатлар ва халқлар тараққиётига жиддий таҳдид солади. У мазкур мамлакатларнинг ривожига ғов бўлиши, уларнинг иқтисодиёти ва маданиятини кескин тарзда орқага — ўтмишга суриб юбориши мумкин. Шу маънода, Ислом Каримовнинг большевистик ақидапарастлик ва ислом фундаментализмини ижтимоий тараққиётдаги экстремистик оқимлар сифатида тушуниши жиддий эътиборга ва юксак баҳога муносибдир.

Китобда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ бўлим бор. Мен бу саҳифаларни бир неча бор ўқиб чиқдим, чунки китоб муаллифининг нима демоқчи эканини дафъатан тушуниб олишим қийин бўлди.

Табиийки, у ахборот воситалари эркин бўлишининг тарафдори. Айни пайтда муаллиф гап орасида махсус қўмита томонидан амалга ошириладиган матбуот назоратини ёқлаб чиқаётгандек ҳам туюлади. Айрим ҳолларда эса аллақандай йўриқчилар қандайдир рухсат берувчи муҳрни қўйиши ёки қўймаслиги мумкинлиги ҳақида сўз боради.

Совет даврида цензура мустабид давлатнинг қудратли қуролигина бўлиб қолмасдан, у одамларга алоҳида ўзини тутиш маданиятини — қуллик маданиятини сингдиришга хизмат қиладиган махсус фикрлаш тарзини шакллантирувчи кучли восита ҳам эди.

Мен қонун цензураси ва журналистнинг ўзидан ташқари матбуот устидан махсус назорат ўрнатишни рад этаман. Журналист ўз шаъни, ор-номуси ва виждонига таяниб иш юритиши керак. Аммо мен бу китоб билан танишар эканман, муаллифнинг айрим фикрларига қўшилишимга тўғри келди. Чамаси, Ўзбекистонда ҳам Россиядаги каби тенденциялар юз кўрсатаётганга, яъни газета ва журналлар саҳифаларига, телевизор экранларига, эфирга андиша, меҳр-шафқат, инсоф ва диёнат туйғусидан маҳрум бўлган одамлар чиқа бошлаганга ўхшайди.

Бундай кимсалар учун инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиш арзимас нарсадек бўлиб туюлади. Улар ўз хатти-ҳаракатлари ана шу одамнинг оиласи, яқинлари учун қандай оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бу борада жиддий чора-тадбирлар кўриш учун сабаблар етарли, албатта.

Бироқ, бу муҳим масала, менинг назаримда охир-оқибатда цензурага эмас, балки суднинг қонун асосида фаолият юритиши кераклигига бориб тақалади. XVIII аср ниҳоясида буюк француз инқилоби даврида қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари баёнотномасида матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги фақат қонун асосида чекланиши мумкинлиги қайд этилган эди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлини топишда мана шундай ёндашувдан келиб чиқиш зарур. Амалий танқиддан фақат заиф одамларгина қўрқади.

Агар қасддан инсонни бадном этишга қаратилган матбуот чиқишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу масалалар сўзсиз суд жавобгарлиги доирасида ҳал этилиши керак.

Энди китоб муаллифи бажарган ишнинг умумий баҳосига дахли бўлмаган бир неча эътирозларимни ҳам билдирмоқчиман. Муаллиф М.С.Горбачёв сиёсатининг аллақандай “қўпол хатолари” ҳақида ёзади. Бу хатолар жиноий муҳитни ва охлократияни, яъни ҳокимиятни тан олмаслик вазиятини вужудга келтиргани тўғрисида фикр юритади. Бу ерда қандай хатолар ҳақида гап бормоқда? Айблов шу даражада жиддийки, факт ва далилларни талаб қилади. Михаил Горбачёв Ислом Каримовнинг Президент бўлиб сайланишига қарши бўлгани ва уни лавозимидан бўшатиш учун қандайдир режалар тузганини ҳам тасдиқлай олмайман. Тўғри, Лукьянов бу борада ғалва бошлаган, бироқ Горбачёв бу масалага хотиржамлик билан ёндашган эди. Балки бу тўғрида у ҳам ўзича нимадир деган бўлиши мумкин, лекин гапиришнинг ўзи амалий ҳаракат дегани эмас.

Ва ниҳоят, мен айтмоқчи бўлган асосий гап — Ўзбекистоннинг ушбу нотинч, ҳатто таҳликали минтақада вазиятни барқарорлаштирувчи роли ҳақида. Ислом Каримовнинг инқилобни тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қабул қилиб бўлмаслиги хусусидаги қарашлари менга яқин ва тушунарлидир. Чунки инқилоб бу — боши берк кўча, йўлни йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам қуйидан, ҳам юқоридан бошланадиган жиноятлар авж олади. Шу тариқа люмпенлар жинояти ва ҳокимият жинояти бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоб даврида шафқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади, у олға ривожланиш ҳақидаги хомхаёлларни яратади-ю, охир-оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлида тўғаноқ бўлади.

Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қониқиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил, пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради. Эволюция — тараққиётнинг онасидир. Россия империясидаги, кейинчалик совет давлатидаги инқилобий ва аксилинқилобий тўс-тўполонларнинг барчаси бундай тажриба мамлакат тараққиётини узоқ вақт тўхтатиб қўйишидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти мана шундай нуқтаи назарга амал қилган ҳолда экстремизмнинг ҳар қандай кўринишини рад этади. Шу боис, у зўравонликнинг барча шаклларини таг-томири билан йўқотиш, эзгуликнинг ягона йўли бўлмиш мулоқот ўрнатишдан манфаатдор инсонлар томонидан ўз фаолиятининг маънавий ва сиёсий жиҳатдан ижобий баҳоланишига умид боғлашга ҳақлидир.

Китоб ҳозирги кунда Ўзбекистон халқи олдида турган ҳаётий муаммоларни юракдан ҳис этадиган одам томонидан ёзилгани сезилиб турибди. Муаллиф ушбу мамлакатнинг эзгу мақсалларни рўёбга чиқаришдек олийжаноб интилишлари самара келтиришига ишонади. Шахсан мен Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик алоқалари нафақат олис истиқболга мўлжалланган геополитик, балки инсоний нуқтаи назардан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, деб биламан.

**А. Н. ЯКОВЛЕВ,**
**Россия Фанлар академияси академиги.**

*Эсингизда бўлса, ўтган йили Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида ўзбек кураши бўйича “Ислом Каримов турнири”га асос солинган ва илк мусобақа зўр муваффақият билан ўтказилган эди. Турнир ташаббускори, Буюк Британия кураш федерацияси президенти Тим Томас жаноблари Халқаро кураш академиясининг ҳакамлар малакасини ошириш мақсадида ўтказаётган ўқув-семинарларида иштирок этиш учун Тошкентга келди. Фурсатдан фойдаланиб у киши билан мулоқотда бўлдик.*

### Тим ТОМАС:

# «Ислом Каримов турнири Лондонда бўлади»



— Мамлакатингизга неча бор келган бўлсам, ҳар сафар ўзимни уйимда юргандек ҳис қиламан,— дейди Томас жаноблари. — Бу, менимча, одамларингизнинг меҳмондўстлиги, ширинсуханлигидан.

**— Ўзбекистон халқи сизни кураш фидойиси, “Ислом Каримов турнири”нинг асосчиси сифатида яхши танийди...**

— Анталиядаги иккинчи жаҳон чемпионатидан кейин Англияда ўзбек кураши бўйича турнир ўтказишга қарор қилдик. Шунда кураш федерациямизнинг котиби Пол Сойер бу турнирни Ўзбекистоннинг буюк шахсларидан бирининг номи билан аташ таклифини илгари сурди. Ва биз бир овоздан Ислом Каримов номзодига тўхтадик.

**— Билишимча, турнир энди анъанавий бўлиб қолади ва халқаро мақом олади.**

— Албатта. Яна бир нарсани мамнуният билан айтишим мумкинки, энди турнир пойтахт Лондонда бўлиб ўтади. Шаҳар марказидаги энг йирик ва нуфузли мусобақалар ўтказиладиган спорт саройи ўзбек кураши мухлислари билан тўлиб кетишига ишонаман. Қизиғи шундаки, бизда яккакураш спорт турларидан ҳеч қайсисида тумонат одам тўпланмайди. Бундай ҳолни фақат футбол ва регби ўйинларида кўриш мумкин. Энди кураш ҳам шу қаторга қўшилади, деб ўйлайман.

**Озод БЕК,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**



# Деҳқонлар сардори

Чортоқ туманидаги Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигининг 15-бригадаси аъзолари ўтган йили 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан сара буғдой, шунингдек, 10 гектар майдондаги боғдан мўл мева етиштирдилар. Бу ютуқда, албатта, деҳқонларнинг сардори Дадамирза Абдураҳимовнинг муносиб ҳиссаси бор. Жорий йилда эса улар гектарлар ҳосилдорлигини янада ошириш йўлида ҳаракат қилмоқдалар.

*СУРАТДА: бригада бошлиғи Дадамирза Абдураҳимов.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Хайрия ойлиги

Наманган вилоятида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан феврал ойи “Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади” шиори остида ўтадиган хайрия ойлиги, деб эълон қилинди.

Бундан кўзланган мақсад оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ногиронликнинг олдини олиш, олис қишлоқларда тиббий-ижтимоий патронажни ташкиллаштириш, камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларга, шунингдек, ногиронларга ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал қилишдан иборат. Айниқса, “Меҳрибонлик” болалар уйи ҳамда ихтисослаштирилган интернатларнинг тарбияланувчилари мазкур тадбир ташкилотчилари ва уларнинг кўнгилли ёрдамчиларининг диққат марказида бўлади.

Жамғарманинг вилоят бўлими фаоллари вилоят меҳнат жамоалари кўмагида ва улар билан ҳамкорликда кўзланган мақсадни амалга оширишни режалаштирган. Хайрия ойлиги эълон қилиниши муносабати билан махсус очилган банк ҳисоб рақамига корхоналар ва ташкилотлардан, хўжалик, хусусий тижорат тузилмаларидан ҳамда фуқаролардан дастлабки ёрдам пуллари туша бошлади.

Камқонлик хасталигига чалинган аёлларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш хайрия ойлигининг илк тадбирларидан бири бўлди.

— Ойлик давомида ўтказилаётган тадбирлар моҳиятига кўра жамғармамизнинг кундалик иши ҳисобланади, — дейди “Соғлом авлод учун” жамғармасининг вилоят бўлими раиси Дилбар Зоҳидова. — Ушбу ойликни ўтказишимиздан кўзланган яна бир мақсад Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб, эълон қилинган 2001 йилда бу борадаги муаммоларга кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилишдан иборат.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги

# Қолмас жаҳон ичра мангу киши, Фақат қолгуси яхши ному иши

Американинг ўтган асрдаги энг машҳур психологи Дейл Карнеги «Қандай қилиб безовталикдан қутулиб, яшашни бошлаш мумкин?» деган китобида дунёнинг илмини излаб, бир оддий хулосага келади: безовталикдан мосуво бўлишнинг йўли — бугун билан яшаш, одамнинг халоскори — фақат бугун!

У бунга эришишнинг жуда содда усулини таклиф этади: кеча, яъни ўтмишнинг ғамидан ҳам, эрта, яъни келажак

## Дам — бу дамдур, дам — бу дам...

хавотиридан ҳам қутулиб, фақат бугуннинг ташвишини қилиш керак, вассалом. Шунда, биринчидан, кечаги нохушликлар, эришолмаган нарсаларингиз учун ачиниш ва шу каби бошқа-бошқа барча ўйловлар чекинади. Эрта учун жон куйдиришга эса ҳали эрта. Чунки сизнинг қўлингизда фақат бугун бор. Тонгдан шомгача бўлган кунингизни оқилона режалаштиринг. Кун мобайнида имкон қадар кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилишни, эзгу мақсадингиз сари янада дадилроқ қадамлар ташлашни ўйланг.

Олим ҳақ: умр алоҳида-алоҳида кунлардан иборат. Шу кунингиздан розимисиз, демак, умрингиз бекор ўтаётгани йўқ.

Энди ўзбек халқининг донишмандлигига қойил қолмай иложингиз қанча. Ким билади, Дейл Карнегидан неча асрлар илгари яратгандир, ўзбек халқи гапнинг пўсткалласини соддагина, лекин дангал қилиб айтган-қўйган: **«Бугунги ишни эртага қўйма!»**

Мана, Ўзбекистонимиз мустақилликнинг ўнинчи йилини яшаяпти. Бу даврнинг ҳар бир куни, очиғини айтганда, халқимиз тарихининг бошқа замонларидаги кунларга нисбатан бир неча баробар каттариб кетганини ҳис этиш қийин эмас. Халқимиз ҳаётнинг қанчадан-қанча мушкулотларини оқилона ва мардонавор енгиб келяпти. Улкан яратувчилик ишлари амалга ошди.

Аввало, ҳар биримиз шахс сифатида, одам сифатида чексиз ўзгардик — мустамлака мамлакатнинг эмас, мустақил юртнинг фуқароси бўлдик. Шаҳар ва қишлоқларимиз, йўлу расталаримизнинг чиройи ўзгарди. Ҳар қанча мушкулотлар бўлишига қарамай, шу ўн йил ичида нефт, ғалла мустақиллигига эришдик, таълим, тиббиёт тизимини ислоҳ қиляпмиз, кўп қишлоқлар газлаштирилди, тоза ичимлик суви билан таъминланяпти.

Бу эзгу ишларни ким бошлаяпти?

Муҳтарам Президентимиз!

Кимлар у киши ўртага ташлаётган ғоялар атрофида бирикиб, юрт равнақи ва халқ фаровонлиги учун фидойиларча тер тўкяпти?

Одамлар!

Ҳазрат Алишер Навоий буюрадилар:

**Одам борки, одамларнинг нақшидир...**

Ана шундай «одамларнинг нақши» бўлганлар бугунимиз қаҳрамонлари экани рост. Президентимизнинг «Бугунги куннинг қаҳрамонлари қани?» — дея савол қўйишларида ҳам БУГУН бош масала эмасми?

Яна Навоийга қайтамиз. «Муншаот»да, олимларнинг аниқлашича, шаҳзода Бадиуззамон Мирзога йўллаган мактубида ҳам улуғ мутафаккир халқ донишмандлигига суянади ва дадил туриб: «Бу кунги ишни тонглаға (эртага-С.О.) қўймасалар!..» — дейди.

«Маҳбуб ул-қулуб» — биз учун Навоий донишмандлигининг бой хазинаси янглиғ қадрли. Шу китоб охирлаб қолар экан, худди шу кунни кўзлагандек, шоир яна буюрадилар: «Ўтган рўзгор (вақт) адамдур (кетиб бўлди). Келмагандин (келажакдан) сўз айтқон аҳли надамдур (беҳудачидир) ва ҳол (ҳар дам) муғтанамдур (ғаниматдир)».

Кейин шундай улуғ шоир «бир туркнинг» (кимлиги ҳозирча бизга маълум эмас) сўзини келтиради: «Бир турк бу маънида дебтурким: «Дам бу дамдур».

Сўнг эса Навоийнинг шоирлиги тутиб, бир гўзал байт битади:

***Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,***
***Не учункм, дам — бу дамдур, дам — бу дамдур,***
***дам — бу дам.***

Ўтмиш ҳақида ҳам, келажак хусусида ҳам кўп гапириб ўтирма, ахир, дам — бу дамдур, дам — бу дамдур, дам — бу дам!

Бу байт бир ўқиганда одамнинг қалбидан бир умрга ўчмас бўлиб жой олади ва ҳар лаҳзада умрни ғанимат билишга, ҳар кунни нимагадир, аниқроғи, ҳаракатга, яратишга, бунёдкорликка сарфлашга ундайди.

Навоийнинг биз билан ҳамиша ҳамнафаслиги шундан!

**Султонмурод ОЛИМ.**



*Бухоро вилоят халқ театрида ёзувчи Ойбекнинг «Бола Алишер» асари саҳнага қўйилди. Асар уч кўринишдан иборат бўлиб, шоирнинг болалик даврини боғча тарбияланувчиси Неъмат Ражабов, ўсмирлигини Ҳаёт Раҳмонов, кексалик чоғларини эса Фарҳод Ҳожиев ўйнаган. Асарнинг моҳирона саҳналаштирилганлиги ва образларнинг тўлақонли яратилганлиги томошабинларга манзур бўляпти.*

* * *

*Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Алишер Навоийнинг ўзбек маданиятида тутган ўрни» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда институт ректори А. Тўраев Навоий ижодининг бугунги кундаги аҳамияти ва ёш авлод тарбиясига таъсири хусусида гапирди. Олим А. Қаюмов, филология фанлари докторлари И. Ҳаққулов, Н. Жумахўжа, Э. Умаровларнинг Навоий шеъриятидаги комил инсон талқини, ғазалларининг таҳлили, ўзбек адабий тилининг шаклланиш масалалари ҳақидаги илмий фикр-мулоҳазалари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.*

**М. КАРИМОВА.**

# ХАЗИНА

Ярим асрдан бери Алишер Навоий номи билан юритилиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси маънавиятимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, Ўрта Осиёдаги энг кекса, энг бой кутубхона ҳисобланади. Унинг фондларида беш миллиондан ортиқ китоб ва бошқа нашрлар мавжуд. Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими фондида сақланиб келинаётган турли соҳаларга мансуб, турли тилларда нашр этилган ўн беш мингдан ортиқроқ китоблар, рўзномалар, альбомлар, журналлар айрича қимматга эгадир. Улар сирасида Навоийнинг турли йилларда турли котиблар ва шеърият шайдолари томонидан қўлда кўчирилган, Тошкент ва бошқа шаҳарларда тошбосма усулида кўпайтирилган девонлари ва бошқа асарлари сақланади.

Бизга маълумки, Ғарбий Европада Шарқ адабиётига қизиқиш жуда эрта бошланган. Жумладан, француз шарқшунос олими Бартоломей Эрбеллонинг кутубхонамизда сақланаётган «Шарқ кутубхонаси» (ёки «Шарқ энциклопедияси») номли 1059 саҳифадан иборат китоби бундан уч аср бурун Парижда чоп этилган бўлиб, унда шарқдан етишиб чиққан, жаҳонга танилиб, тарихда ўз изини қолдирган давлат арбоблари, олиму адибларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида маълумотлар бор. Китобнинг 661-саҳифасида Навоий ҳақида ҳам мухтасар маълумот берилган.

Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида Навоийнинг турли йилларда кўчирилган қўлёзма ва босма асарларининг ўттиздан ортиқ нусхаси сақлаб келинади, улар тадқиқотчилар учун муҳим қўлланма сифатида аҳамиятга эга. «Лисон ут-тайр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асари ҳам шулар жумласидан бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи бир жилдга киритилган, чиройли ҳуснихат билан 1221 ҳижрийда кўчирилган. Афсуски котиб ўз номини ва қаерлик эканини ёзмаган.

Мулла Ҳақназар халифа ибни Уста Қурбон Бешариқий томонидан 1209 ҳижрийда кўчирилган бир жилдга Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ва Сўфи Оллоёрнинг «Муножот»идан Нақшбандия тариқатига оид боблар алоҳида-алоҳида киритилган. Уста Қурбон Бешариқий ўз даврининг билимдон кишиларидан бўлса керак. Зеро, камина Қўқон шаҳрида китобсевар биродаримиз Наримон аканинг бой кутубхонасидаги икки юз жилддан ортиқроқ қўлёзма китоблар орасида аллома Марғиноний «Ҳидоя»сининг Уста Қурбон томонидан 1836 йили кўчирилган нусхасини ҳам кўрган эдим.

Навоий қўлёзмаларидан яна бири Бухоронинг Азизхон мадрасасида 1272 ҳижрийда кўчирилган девони бўлиб, жуда чиройли ҳуснихатда битилган ва бунда ҳам котиб ўз номини сир тутган. Мирзо Абдулфаттоҳ бинни Муҳаммадхон 1312 ҳижрийда кўчирган девон ҳам юқоридагилардан қолишмайди.

Туркистонда тошбосмахоналар кўпайгач, Навоий шеъриятининг мухлислари унинг девонларини ҳуснихат ила тайёрлаб, халқ орасида кенг тарқатишга ҳаракат қилдилар. Тошбосмахона биринчи бор Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II қароргоҳида ташкил этилиб, унда 1880 йиллари Фирдавсий «Шоҳнома»сининг ўзбек тилидаги насрий табдили, Навоийнинг «Хамса»си ва «Девони Рожий» кўпайтирилган эди.

Тошкент шаҳрида эса Навоий девони Раҳимхўжа бинни Алихўжа эшон томонидан тайёрланиб, 1884 йили Лахтин босмахонасида, Шоҳмурод ибн Мулла Неъмат Охунд томонидан тайёрланган девон 1893 йили Каменскийлар босмахонасида, Тўрахўжа Бухорий бошчилигида 1330 йил Бухорода чоп этилган девонни ҳам авайлаб сақлаб келмоқдамиз. Мулла Темирхўжа Муҳаммадхўжа ўғли нашрга тайёрлаган ва «Туркестанский курьер» газетасининг босмахонасида чоп эттирилган девону ғазаллар ҳам эътиборга моликдир.

Навоийнинг «Торихи фаноий» («Форс шоҳлари тарихи») асари турк тилига таржима этилиб, биринчи бор Европада 1785 йили тошбосма усулида кўпайтирилган эди. Бу китобнинг муқоваси чарм билан қопланган бўлиб, ҳозир ҳам янги нашрдан чиққандек жуда яхши сақланиб келинади. Асар Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан Москвадаги кутубхонадан совға қилинган.

Фондимизда француз шарқшунос олими М.Куатремера Алишер Навоий тилини ўрганиш мақсадида 1841 йили Парижда нашр эттирган «Навоий куллиёти», рус шарқшуносларидан Михаил Никитскийнинг Шарқ тиллари магистри унвонини олиш учун «Эмир Низамиддин Алишер, в государственном и литературном его значении» деган мавзудаги диссертацияси ҳам бор. Кейинги асарда Мир Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти таҳлил қилиниб, унга баҳо берилган. Бу иш алоҳида бир китоб бўлиб, унда Ғарбий Европада Навоий ижоди юзасидан амалга оширилган бошқа ишлар рўйхати ҳам бор. Китоб 1856 йили Санкт-Петербургда босмадан чиққан.

Айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, шеърият султони ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳар қандай асари авайлаб сақланиши билан бирга фақат мутахассислар томонидан ўрганилиб қолмасдан, балки бутун Ўзбекистон халқининг севимли машғулотига айлансин. Бунинг учун ҳали кўп йиллар тинмай меҳнат қилишимизга тўғри келади...

**Раҳимжон ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**



Шоир номидаги Адабиёт музейи шу кунларда ихлосмандлар билан гавжум....

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# Кўнгил сафари

### *ёхуд Алишер Навоий образининг Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасидаги талқини хусусида*

Ўзбекистон театрлари репертуарларида Алишер Навоий асарларининг муҳим ўрин тутганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ул зотнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари асосида тайёрланган спектакллар, айниқса машҳур бўлиб кетган.

Буюк мутафаккирнинг ўзи ҳақида саҳна асарлари яратиш 1940 йилда таваллудининг 500 йиллиги олдидан бошланган эди. Олим ва драматург Иззат Султоннинг айтишича, ўша йиллари Навоий ҳақида опера яратиш мўлжалланган ва либретто ёзиш унинг ўзига, мусиқа яратиш эса Мутавакил Бурхоновга топширилган экан. Иззат Султон ўшандаёқ Навоий ҳаёти ҳақида саҳна асари яратиш нияти билан иш бошлаган. У биргаликда асар яратиш учун шоир Ҳамид Олимжонга мурожаат этади. Аммо Ҳамид Олимжоннинг жамоат ишлари билан бандлиги ва Муқанна фожеаси устида ишлаётганлиги туфайли у орқали Уйғун билан ҳамкорликка киришади. Улар «Алишер Навоий» асарини тугаллаб, Ҳамза театри жамоасига топширадилар. Машҳур режиссёр Маннон Уйғур асарни саҳналаштириш тадоригини кўра бошлайди. Бу орада кинночилар ҳам Навоий ҳақида фильм яратишга киришганлиги маълум. Ҳеч эсимдан чиқмайди, фильм Москва киностудияси павильонларида суратга олиниши лозим бўлганидан 1941 йил феврал ойининг охирларида Ҳамза театрининг артистлари Москвага бориб бир ой меҳмонхонада турганмиз. Бироқ уруш хавфи бўлганлиги туфайли фильм ҳам, спектакл ҳам тўхтатилган эди.

1945 йилда театрда биринчи бор Иззат Султон ва Уйғунлар асари асосида «Алишер Навоий» спектакли намойиш этилди. Сўнг асар ҳақидаги муҳокамалар ниҳоятда авж олиб кетади. Партия ташкилотларининг раҳбарлари Ҳусайн Бойқаро билан Навоий муносабатини, тарихий жиҳатдан бузиб бўлса ҳам кескинлаштиришга ҳаракат этардилар. Саҳналаштирилган ҳар бир асар театримиз штатида турадиган «маълум кимсалар»нинг «синчков» текширувидан сўнггина томошабинга кўрсатишга рухсат этиларди. Улар жамоанинг кундалик ишлари ҳақида юқори ташкилотларга хабар бериб турар эдилар. Ана шундай раҳбарларнинг бири спектаклдан Навоийнинг эркинлик ҳақидаги фикрларини олиб ташлашни талаб қилган вақтлари ҳам бўлган. Аммо театр жамоаси, айниқса, Маннон Уйғур ва драматурглар бунга қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Шундай қилиб, ҳар кеча қўйилган спектакл турли тўсиқларга дуч келар эди. Муҳокамалардан бирида Ойбек қатнашгани ва Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги кескинликни юмшатишни илтимос қилгани эсимда. Жамоамиз учун қувончлиси шу эдики, спектаклни халқимиз ниҳоятда кўтаринки руҳда қабул этди. Алишер Навоий образини биринчи бор ўзбек саҳнасида буюк актёр Аброр Ҳидоятов ижро этган эди. Ҳусайн Бойқаро ролини Шукур Бурҳонов ва Лутфулла Назруллаев, Гули образини Сора Эшонтўраева, Мажидиддин ролини Обид Жалиловлар моҳирона яратишган. Спектакл ҳар куни қўйилар, зал томошабинларга тўлиб кетарди. Шу боисдан Аброр Ҳидоятовнинг соғлиғини ўйлаб, асардаги бош рол Олим Хўжаевга топширилади. Актёр Навоий образини мукаммал ярата олди. Зеро, Навоий образини бизнинг саҳнамизда энг кўп ижро этган Олим Хўжаевдир. Унинг ижросида спектаклнинг 700 марта ўйналиши Тожикистоннинг маркази Душанбе шаҳрида юрганимизда нишонланган.

Албатта, давр ўтиши билан асар устида қайта-қайта ишлаш туфайли янгича образлар талқин этиш, янги ижролар вужудга кела бошлади. Ўзбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаев бу асарни қайта саҳналаштиришни мўлжаллаб, баъзи ўзгартиришлар билан Навоий образини ўзи талқин эта бошлади. Аммо ўша даврдаги сиёсат уни ҳам маълум мулоҳазаларни четлаб ўтишга мажбур этган эди.

Мустақиллик йилларида жамоамиз спектаклни яна бир бор таҳрир этиб чиқишни мўлжаллади. Бу сафарги саҳналаштириш режиссёри Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов Иззат Султондан Ҳусайн Бойқаро билан Навоий ўртасидаги кескинликни бироз юмшатишни таклиф этади ва драматург асар моҳиятига путур етказмаслик учун қисман бўлса ҳам ўзгартиришлар киритишга қарор қилади. Постановкачи режиссёр янги саҳна безаклари, янгича мусиқа ва энг муҳими, ижрочиларнинг талқинларида Навоий билан Бойқаронинг ёшлик ҳамда кексалик даврларига алоҳида эътибор беради. Шу кунгача саҳнамизда Алишер Навоий ҳақидаги ўлмас спектакл яшаб келмоқда.

Иззат Султон ва Уйғун яратган «Алишер Навоий» пьесасига жуда кўп ўзгартиришлар киритиб бўлмас экан. Ҳар бир ўзгартириш унинг сайқалига халақит беради. Спектакл ўз замонасига муносиб тарзда ёзилганлиги ва жуда пухта саҳналаштирилганлиги кўп ўзгартиришга мойиллик бермайди. Бинобарин, энди Навоий ҳақида саҳна асарими, кино асарими ёки теле-спектаклми, янгитдан ёзилмоғи зарур.

Бугун Президентимиз халқимизнинг маънавий тарбиясида Навоийдек буюк зот нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳар биримизга юракдан уқтирмоқда. Шу боис Навоий ҳақида янги-янги асарлар битилмоғи ва қўйилмоғи лозим. Менинг назаримда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро мавзусида ҳам саҳна ва кино асарлари яратишнинг вақти етди.

Алишер Навоий туркий халқни буюк муҳаббат билан севган ижодкор эди. Бугун биз ҳам ўшандек юксак меҳр-муҳаббат билан Навоийнинг ҳар бир юракка, ҳар бир қалбга кириб бориши учун йўл изламоғимиз даркор.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

***Буюк бобомизнинг муқаддас қадамлари Фарғона тупроғига етиб келмагандир. Бу ҳақда муаррихлар ҳам бирор воқеотни ёзиб қолдирмаганлар. Лекин Фарғонанинг ҳар бир шаҳри, тумани, қишлоғида Навоий руҳи, нафасини сезиш мумкин. Унинг номи иншо этилмаган ҳудудни топиш қийин. Навоий номи билан аталадиган энг узун кўча ҳам айнан Фарғонада жойлашганлиги бежиз эмас. Узунлиги ўттиз километрга чўзилган, Марғилон шаҳрининг Бахрин мавзеидан бошланиб, Тошлоқ туманини қоқ иккига бўлиб, Қувада тугайдиган бу кўчада иккита Навоий номли жамоа хўжалиги, иккита мактаб жойлашган, юзлаб Алишер исмли йигитлар истиқомат қилади.***

***Филология фанлари номзоди Ҳабибулло ЖЎРАЕВ билан Ҳазрат ҳақидаги суҳбатимиз ниҳоятда мароқли кечди.***

# Фарғона — Навоий назарида

— Навоий ҳаёти, ижод гулшанида фозил ва донишманд фарғоналиклар кўпчиликни ташкил этган. Фарғоналик Мир Сарбарахнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги фикрларига устоз катта эътибор берган. Мирзобек исмли ёш шоир эса Алишер билан болаликдан дўст тутинган. Навоий навқирон ёшида вафот этган Мирзобек шеърларини тўплаб, девон ҳолига келтирган.

Шоирнинг айрим ишораларидан маълумки, Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асари баъзи жиҳатлари билан қониқтирмайди. Шу тариқа, Навоий қарийб йигирма йил давомида қўшимча материаллар тўплайди, манбаларни ўрганиб чиқади. Натижада Жомий асарига кирмай қолган баъзи машҳур шайхларнинг номини «Насойим-ул-муҳаббат» асарига қўшади, туркий олам шайх ва сўфийларига оид маълумотларни кенгайтиради.

Асарда жами 162 нафар машҳур шайх ҳамда сўфийларнинг тарихи ёритилади. Улардан 33 нафари бевосита Мовароуннаҳр ҳудудларида яшаган ва фаолият кўрсатган. Мазкур асардан Абу Жаъфар Фарғоний, Боб Фарғоний, Шайх Саидиддин Фарғоний ҳамда Иброҳим Марғиноний сингари ўз даврининг алломаи киромлари ҳам муносиб ўрин эгаллаганлар.

Асардан бир неча Фарғонийларнинг ўрин олишининг ўзиёқ Алишер Навоий Фарғона водийси, унинг аҳолиси тарихи, маданияти ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлганлигини ва алоҳида қизиқиш билан қараганлигини кўрсатади. Асарнинг қиммати шу билангина чекланмайди. Муаллиф ҳар бир Фарғоний ҳақида тўхталар экан, уларнинг фаолияти, шахсий ҳаётидан қизиқарли лавҳалар, ҳикматларидан намуналар келтириб ўтади. Масалан, Абу Жаъфар Фарғоний ҳақида ёзар экан, Навоий унинг кимнинг муриди ва шогирди бўлганлигини, камолотга қай йўсинда эришганлигини илмий-бадиий жиҳатдан қизиқарли баён этади, ахлоқий-таълимий томондан фойдали ўринларга эътибор қаратади.

— Кунлардан бир куни, — дея ҳикоя қилади у, — Абу Жаъфар Фарғоний устози ва пири Абу Усмон Хайрийнинг отини жиловидан тутган кўйи бораётган экан. Йўл лой бўлганидан Абу Жаъфар юришга қийналибди. Шунда унинг кўнглидан «менинг аҳволимни от устида бораётган устозим қаёқдан биларди», деган фикр кечибди. Валийлик мақомида бўлган устозга шогирд кўнглидаги гап дарҳол маълум бўлибди. Шунда у отдан тушиб, шогирдини мажбуран отга миндирибди ва жиловдан етаклай бошлабди. Бир оз юргач, шогирд минг изтироб ва хижолатда отдан тушибди. Шунда устози «Мен от устида кетаётганимда ва сен лой кечиб бораётганингда мен ҳам сенинг аҳволингга тушган эдим», — дея танбеҳ берган экан. Абу Жаъфар Фарғоний ҳаётидан ушбу ибратомуз ҳикоянинг танлаб олинишига сабаб шундаки, бундай ҳолат, манбалардан маълум бўлишича, Навоийнинг бошидан ҳам ўтган. Алишер Навоий машҳур «Хамса» асарини ёзиб тугаллаганда шоҳ Ҳусайн Бойқаро уни ўзининг пири деб эълон қилади, шоирни ўзининг оқ отига миндириб, сарой бўйлаб жиловни тутган кўйи етаклай бошлайди. Алишер Навоий бундан шу даражада мутаассир бўладики, ҳушдан кетиш даражасига етганда мулозимлар уни отдан тушириб оладилар...

Иброҳим Марғиноний ҳам ўз замонасининг йирик шайхи ва донишмандларидан бири бўлган. Навоий унинг қуйидаги ҳикматли сўзларини келтиради: «Иброҳим Марғиноний дебтурки, улча қулоқ англагай илмдур, улча фаҳм айлағай ҳикматдур...» Иброҳим Марғинонийнинг шу биргина ҳикматли сўзлари замирида олам-олам маъно борлиги кўриниб турибди. Чунки инсон учун фақат илм ўрганишнинг ўзи кифоя эмас. Бу илмларни фаҳмламоқ, қалбларга жо қилмоқ ва уларга амал қилиб яшамоқ керак. Иброҳим Марғиноний ҳаёт ва тирикликни ана шу асосда қура билганлиги учун ҳам Навоий таҳсинига сазовор бўлган.

Навоийнинг эътиборини тортган яна бир соҳибкаромат инсон Умар Боб Фарғонийдир. Мазкур асарда бу улуғ зотнинг кўрсатган кароматлари, башоратлари ҳамда мўъжизаларидан намуналар келтирилган. Бир куни шайхнинг олдига келган мурид ва мухлислари Саркаб исмли юртни бузувчи золим амалдор устидан шикоят қиладилар. Шунда шайх ёнида турган кўзани уриб йиқитади ва «Боринглар, мен Саркабни бартараф қилдим», дея каромат қилади. Худди шу паллада шаҳар дарвозаси олдида золим Саркаб отдан йиқилиб, бўйни сингани маълум бўлади. Алишер Навоий ижодида зулмга нафрат, адолатга даъват мотивларининг кенг ўрин олишида, кўринадики, Боб Фарғонийнинг таъсири ҳам катта бўлган.

Шайх Саидиддин Фарғонийни эса Навоий «Фарғона арбобининг мукаммали, завқ ва виждон асҳобининг акобири» дея улуғлайди. Ҳеч бир зот унингдек ҳақиқат илмини батартиб ва охиригача баён қилиб бера олмаган, дейди Навоий.

Алишер Навоий улуғ Фарғонийлар ҳақида маълумот берибгина қолмасдан, ўзи ҳам уларнинг издоши эканлигини, улар таълимоти ва маънавий меросига ихлос билан ёндашишини амалий фаолияти, ижодида ҳамиша исботлаб келган. Шоирнинг вафотидан бир оз олдин ёзилган сўнгги шеърида шундай байт бор:

**Эй Навоий, қил фидо**
**жононгаким жон, лоф эрур —**
**Ошиқ ўзни ишқ**
**даъвосида машҳур айламоқ.**

Байтга сингдирилган мазмун Абу Жаъфар Фарғонийнинг «Тил билан қилинган таваккал қуруқ даъво, дил билан қилинган таваккал асл маънодир» деган ҳикматли сўзлари билан ғоят ҳамоҳангдир. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг фарғоналикларга, хусусан, водийнинг улуғ фарзандларига юксак эҳтироми умр бўйи сақланганлигини ёрқин ифодалаб турибди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Набижон СОБИР ёзиб олди.**

